**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**
**КЕНГАШИНИНГ 6-СОНЛИ ЙИҒИЛИШ**
**БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА**

Жиззах шаҳри 29 декабрь 2017 йил

Қатнашдилар: Кенгаш аъзолари - 51 нафар
Мажлисда қатнашдилар – 45 нафар

КУН ТАРТИБИ:

6. Турли масалар.

6.4. Европа иттифоки Эрасмус+ дастури доирасидаги "Ўзбекистонда ахборот коммуникация технологияларига асосланган интеллектуал транспорт тизимлари бўйича янги магистратурани яратиш (INTRAS)" халқаро лойиҳаси тақдимоти.

**ЭШИТИЛДИ:**

Кун тартибидаги 6.3-масала юзасидан лойиҳа координати доц. С.Усманов сўз олди ва халқаро лойиҳа ҳақида маълумот берди.

**586292-EPP-1-2017-1-PL-EPPKA2-CBHE-JP**
**Интеллектуал транспорт тизимлари: Ўзбекистонда ахборот коммуникация технологияларига асосланган янги магистратура дастурларини яратиш / INTRAS (Intelligent Transport Systems: New Ict-Based Master's Curricula in Uzbekistan)**

Ушбу лойиҳа Ўзбекистонда ахборот коммуникация технологияларига асосида интеллектуал транспорт тизимлари бўйича янги магистратура мутахассислигини яратиш мумаммосига қаратилган бўлиб, унда Европа иттифоқидан Польша, Австрия ва Словакия олий ўқув юртлари Ўзбекистон томонидан эса 6 та олий таълим муассасалари, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда 3 та ишлаб чиқариш корхоналари иштирок этишади.

Лойиҳанинг кенг қамровли мақсади АКТ соҳасида муҳандисларнинг янги авлодини тайёрлаш тизимини ва инфратузилмаларни яратишдан иборат. Ушбу муҳандислар Ўзбекистоннинг транспорт соҳасидаги давлат бошқаруви, саноат тармоклари ва хусусий секторларида маҳаллий ва худудий муаммоларини ҳал қила олиш лаёқатига эга бўладилар.

Ушбу мақсадга олтита олий таълим муассасалари муҳандислик йўналишларида янги магистратура дастурларини (тўлиқ ўқув таъминотини) яратиш орқали эришилади.

**Лойиҳанинг олдига қўйилган асосий вазифалар қуйидаги муаммоларни ечишга қаратилган:**

1. Интеллектуал транспорт тизимлари бўйича янги магистратура дастурини ишлаб чиқиш.
2. Ўзбекистоннинг олтита олий ўқув юртларида интеллектуал транспорт тизимлари бўйича ўқув ва илмий потенциални яратиш.
3. Ахборот коммуникация технологияларига асосланган интеллектуал транспорт тизимлари бўйича лабораторияларни яратиш.
4. Олий ўқув юртлари билан ижтимоий ташкилотлар / муассасалар / ишлаб чиқариш корхоналари билан ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш.

**Лойиҳанинг кенг миқёсли мақсади.** АКТ соҳасида муҳандисларнинг янги авлодини ўқитишнинг инфратузилмаларни ва тизимларини яратишдан иборат. Ушбу муҳандислар Ўзбекистоннинг транспорт соҳасидаги давлат бошқаруви, саноат тармоқлари ва хусусий секторларида маҳаллий ва ҳудудий муаммоларни ҳал қила олиш лаёқатига эга бўладилар.

Ушбу мақсадларга АндМИ, ЖизПИ, ТАЙЛҚЭИ, ТДУ, ТТЙМИ ва ТАТУ ларидаги муҳандислик йўналишларида янги магистратура дастурларини (тўлиқ ўқув таъминотини) яратиш орқали эришилади.

**Лойиҳа иштирокчилари:**

1. Гданск технология университети (Gdansk University of Technology – GUT) Полша
2. Жилин университети (ŽILINSKÁ UNIVERZITA V ŽILINE – UNIZA) Словакия
3. Клагенфурт алпен-адра университети (Alpen–Adria Klagenfurt University – AKU) Австрия

**Ўзбекистон**

4. Андижон машинасозлик институти
5. Жиззах политехника институти
6. Термиз давлат университети
7. Тошкент автомобил йўлларини лойиҳалаш, қуриш, эксплуатацияси институти
8. Тошкент темир йўл муҳандислиги институти
9. Тошкент ахборот технологиялари университети
10. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**Ишлаб чиқариш корхоналари**

1. “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ
2. Виа Тошкент МЧЖ
3. Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлиги Жиззах вилоят бўлими.

**Ушбу курсларнинг барчаси инглиз тилида ўқитилади.**

13. АКТ га асосланган диссертация ишлари ва лойиҳалар тузилмасига талаблар – Ўзбекистоннинг ҳудудий муаммолари.

**Бюджет 814.635,00 Euro**

Ушбу лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш мақсадида унинг илмий-ижодий жамоаси таркиби қуйидагича бўлиши таклиф қилинмоқда.

| т/р | ФИО | Лавозими | Зарур маълумотлар |
|---|---|---|---|
| 1 | Усманов Салахдин | “Ерусти транспорт тизимлари” кафедраси доценти | Лойиҳа координатори |
| 2 | Парсахонов Абдуқоби | Проректор | Иштирокчи |
| 3 | Абдуназаров Жамшид | “Ерусти транспорт тизимлари кафедраси доценти в.б. | Иштирокчи |
| 4 | Жиянбоев Сирожиддин | “Ерусти транспорт тизимлари” кафедраси катта ўқитувчиси | Иштирокчи |
| 5 | Ярбобоев Азамат | “Ерусти транспорт тизимлари” кафедраси ассистенти | Иштирокчи |
| 6 | Бердиёров Темур | “Менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси | Иштирокчи |
| 7 | Мамаев Ғулом | “Ерусти транспорт тизимлари” кафедраси ассистенти | Иштирокчи |
| 8 | Алимов Руфина | “Ҳисобхона” бўлими ҳисобчиси | Иштирокчи |

Лойиҳа координати доц. С.Усманов ўз сўзини якунида Кенгаш аъзоларидан илмий-ижодий жамоа таркибини тасдиқлаб беришларини сўради.

**СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:**

Доц. Н.Саидахмедова, т.ф.н. О.Адилов, ф-м.ф.н. С.Эшбекова, т.ф.д. А.Усманкулов, и.ф.д. Э.Ш.Шадмановлар ушбу масала юзасидан ўз фикр мулоҳазаларини савол жавоб орқали билдирдилар.

**Кун тартибидаги 6.4-масалани Кенгаш атрофлича ўрганиб ва муҳокама қилиб,**

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Европа иттифоқи Эрасмус+ дастури доирасидаги "Ўзбекистонда ахборот коммуникация технологияларига асосланган интеллектуал транспорт тизимлари бўйича янги магистратурани яратиш (INTRAS)" халқаро лойиҳаси тақдимоти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Ушбу ҳалқаро лойиҳанинг илмий-ижодий жамоаси таркиби қуйида келтирилган таркибда тасдиқлансин:
   1. Усманов Салахдин - Лойиҳа координатори
   2. Парсахонов Абдуқоби – Иштирокчи
   3. Абдуназаров Жамшид – Иштирокчи
   4. Жиянбоев Сирожиддин – Иштирокчи
   5. Ярбобоев Азамат – Иштирокчи
   6. Бердиёров Темур– Иштирокчи
   7. Мамаев Ғулом– Иштирокчи
   8. Алимов Руфина– Иштирокчи
3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат этиш илмий ишлар бўйича проректор и.ф.д. Э.Ш.Шадмонов зиммасига юклатилсин.

**Кенгаш раиси** **А.К.Усманкулов**

**Кенгаш котиби** **Н.Ж.Парсаева**

**ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**
**КЕНГАШИНИНГ 8-СОНЛИ ЙИҒИЛИШ**
**БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА**

Жиззах шаҳри 27 февраль 2018 йил

**Қатнашдилар:**

**Кенгаш раиси** **Усманкулов А.**
**Кенгаш котиби** **Парсаева Н.**
**Кенгаш аъзолари (рўйхат бўйича)**

КУН ТАРТИБИ:

3. Турли масалалар

3.3. Жиззах политехника институти иштирок этаётган Европа иттифоқи ERASMUS+ дастури доирасидаги "INTRAS" лойиҳасининг 12-14 феврал кунлари бўлиб ўтган йиғилиши ҳисоботи.

**ЭШИТИЛДИ:**

Кун тартибидаги 3.3.-масала юзасидан лойиҳа координатори С. Усманов сўзга чиқди.

С. Усманов Европа иттифоқи ERASMUS+ дастури доирасидаги "INTRAS" лойиҳасининг 12-14 феврал кунлари Тошкент ахборот технологиялари университетида бўлиб ўтган мувофиқлаштириш кенгаши йиғилиши ва унинг натижалари билан таништирди. Ушбу лойиҳани бажариш бўйича институтда ташкил этилган ижодий жамоанинг бажарган ишлари бўйича ҳисобот берди.

**СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:**

Доц. С.Товбоев, доц. А.Парсаханов, ф-м.ф.н. С.Эшбекова, доц. О.Адилов ва кенгаш раиси А.Усманкуловлар ушбу масала юзасидан ўз фикр мулоҳазаларини савол жавоб орқали билдирдилар.

**Кун тартибидаги масалани ўрганиб Кенгаш**
**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. "INTRAS" лойиҳаси координатори С. Усмановнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жиззах политехника институти профессор-ўқитувчилари ва талабаларидан иборат инглиз тилини ўрганиш гуруҳи ташкил этилсин.

Масъул. С. Усманов. Муддат 1 март 2018 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида институтнинг чет эл валютасидаги ҳисоб рақамини очиш ва ундан фойдаланишга рухсат берилсин.

Масъул. С. Усманов, Ж. Абдуназаров, бош ҳисобчи А. Акромов. Муддат 1 май 2018 йил.

4. Лойиҳанинг бош координатори ҳисобланган Гданск технология университети билан ҳамкорлик шартномаси шартлари бўйича музокаралар олиб бориш ва уни имзолаш амалга оширилсин.

Масъул. С. Усманов. Муддат. 1 апрел 2018 йил.

5. Лойиҳа доирасида ташкил этиладиган лаборатория ускуналари рўйхатини тузиш ва уни Европадан олиб келиш бўйича келишувлар амалга оширилсин.

Масъул. Ж. Абдуназаров, С. Усманов ва ижодий жамоа. Муддат 2018 йил декабр.

6. Мазкур қарор ижросини назорат ўз зиммамда қолдираман.

**Кенгаш раиси** **А.Усманкулов**

**Кенгаш котиби** **Н.Парсаева**

# ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
# КЕНГАШИНИНГ 4-СОНЛИ ЙИҒИЛИШ
# БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА

Жиззах шаҳри 27 ноябрь 2018 йил

**Қатнашдилар:**

**Кенгаш раиси** **Усманкулов А.**
**Кенгаш котиби** **Парсаева Н.**
**Кенгаш аъзолари (рўйхат бўйича)**

## КУН ТАРТИБИ:

3. Турли масалалар
3.3. Жиззах политехника институти иштирок этаётган Европа иттифоқи ERASMUS+ дастури доирасидаги “INTRAS” лойиҳасининг 28 октябрь - 1 ноябрь кунлари бўлиб ўтган йиғилиши ҳисоботи.

## ЭШИТИЛДИ:

Кун тартибидаги 3.3.-масала юзасидан лойиҳа координатори С. Усманов сўзга чиқди.

С. Усманов Европа иттифоқи ERASMUS+ дастури доирасидаги “INTRAS” лойиҳасининг 12-14 феврал кунлари Польшанинг Гданск технология университетида бўлиб ўтган мувофиқлаштириш кенгаши йиғилиши ва унинг натижалари билан таништирди. Ушбу лойиҳани бажариш бўйича институтда ташкил этилган ижодий жамоанинг бажарган ишлари бўйича ҳисобот берди.

## СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:

Доц. С.Товбоев, доц. Н. Асатов, ф-м.ф.н. С.Эшбекова, доц. О. Тўрақулов ва кенгаш раиси А.Усманкуловлар ушбу масала юзасидан ўз фикр- мулоҳазаларини савол жавоб орқали билдирдилар.

**Кун тартибидаги масалани ўрганиб Кенгаш**

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. “INTRAS” лойиҳаси координатори С. Усмановнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Лойиҳа дастурида белгиланган ўқув фанлари бўйича Европа университетлари мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ўқув

дастурларини таҳлили ва танқидий ўрганиш ҳамда хулосаларни тегишли университетларга юбориш таъминлансин.

Масъул. С. Усманов. Муддат 31 декабрь 2018 йил.

3. Лойиҳа доирасида ташкил этиладиган магистратура учун намунавий ўқув режасини тайёрлаш ҳамда лойиҳа дастурида белгиланган ўқув фанлари бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳ ташкил этилсин ва унинг самарали ишлаши таъминлансин.

Масъул. С. Усманов, Ж. Абдуназаров, С. Джиянбаев. Муддат 1 март 2019 йил.

4. Лойиҳанинг бажарилиш сифатини ўрганиш ва баҳолаш бўйича референслар гуруҳи ташкил этилсин ва ижодий жамоанинг фаолиятига холисона баҳо берилсин.

Масъул. С. Товбоев. Муддат. 25 январь 2019 йил.

5. Лойиҳа доирасида ташкил этиладиган магистратура талабалари учун магистрлик диссертациясини бажаришга талабларни ва уни расмийлаштириш бужариш бўйича услубий кўрсатма ишлаб чиқилсин.

Масъул С. Усманов ва ижодий жамоа. Муддат 2019 йил феврал.

6. Мазкур қарор ижросини назорат ўз зиммамда қолдираман.

**Кенгаш раиси** **А.Усманкулов**

**Кенгаш котиби** **Н.Парсаева**